**Саноқ комиссияси томонидан "Boshtransloyiha" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2022 йил 10 мартдаги қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва кун тартиби масалалари юзасидан овоз бериш натижалари бўйича тузган БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳар, Миробод тумани,
Нукус кўчаси, 23а уй

Сана: 2022 йил 10 март

Саноқ комиссияси аъзолари таркиби:
Раис: И.И. Израильбекова
Комиссия аъзолари: У.М. Юлдашев
Е.А. Рогожкина

Саноқ комиссияси баённомаси қуйидагиларга асосан тузилди:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун 2022 йил 03 март холатига шакиллантирилган Жамият акциядорлари реестрига асосан, овоз беришда 37 та акциядорга тегишли 4 453 008 дона овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар қатнашиши мумкин. Саноқ комиссияси томонидан соат 14:50 гача умумий миқдорда 4 095 168 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 8 та акциядор вакиллари рўйхатдан ўтказилди. Бу эса Жамиятнинг умумий овоз берувчи акцияларининг 91,96 фоизини ташкил этади.

Бюллетенлар 8 та акциядор томонидан олинди. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунининг 68– моддасига мувофиқ, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

Шунга асосан умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд деб топилди.

Овоз бериш натижалари:

***1.* Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:** *"Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.*

**Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:**

*1. "O`zbekiston temir yo`llari" АЖнинг 2022 йил 02 февралдаги 01/308-22 сонли талабномаси маълумот учун қабул қилинсин.*

*2. Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичнинг "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.*

**Овоз бериш натижалари:**

"ёқлайман" – 4 095 168 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қарор қабул қилинди.

***2.* Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:** *"Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисида.*

**Овоз бериш натижалари:**

**"рози" - Раджапов Мансур Кучкарович - "O`zbekiston temir yo`llari" АЖда Бошқарув раисининг ўринбосари в.б. - 4 095 168** та овоз.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан қабул қилинган қарор:**

***1."Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгаши таркибига, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар Раджапов Мансур Кучкарович сайлансин.***

Ушбу баённома икки нусхада тузилди.

**Раис:** **И.И. Израильбекова**

**Комиссия аъзолари:** **У.М. Юлдашев**

**Е.А. Рогожкина**